*• Долзарб мавзу*

# ҚОРАКЎЛЧИЛИК СОҲАСИ НЕГА ЁРДАМГА МУҲТОЖ?

***Икром АҲМЕДОВ Тошкент давлат иқтисодиёти университети маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият кафедраси аспиранти. «Қоракўл тери бозорини ўрганиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.***

***Қуйида мухбиримизнинг у билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

— ҚОРАКЎЛ қўйининг асл ватани Бухоро воҳаси ҳисобланса-да, ҳозир у Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистон ва Жанубий Америка республикаларида ҳам боқилади. Ҳисоб-китобларга қараганда бугун Марказий Осиё республикалари яйловларида 15 миллионга яқин, Намибияда 4 миллион, Афғонистонда 3 миллион атрофида қоракўл қўйлари парвариш қилинади. Асосий маҳсулоти ажойиб мўйнаси, деб қаралса-да, мазали гўшти, момиқ жуни ҳам мўмай даромад манбаи ҳисобланади.

Ўзбек қоракўли азалдан чет мамлакатларга экспорт қилиб келинган. Унинг тарихи қадимий Буюк ипак йўли билан боғлиқ эса-да, Бухоро амирлиги даврида ҳам қоракўл терилари воҳанинг энг қимматбаҳо ва нодир бойлиги ҳисобланган.

Қоракўлчиликни ривожлантириш бугунги кунда ҳам, биз учун даромад манбаи бўла оладими? Агар республикамиз ҳудудининг 85 фоизи чўл ва ярим чўл зоналаридан иборат эканлигини ҳисобга олсак, бу соҳанинг Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашдаги ўрни аён бўлади. Лекин катта имкониятларга эга бўлган бу соҳа кейинги йилларда оқсай бошлади. Яъни аксарият қоракўлчилик хўжаликлари иқтисодий инқирозга юз тутди. Бунинг оқибатида республикамизда қоракўл қўйларнинг сони камайиб кетди. Айниқса, она қўйларнинг камайиши жуда ачинарли ҳолдир. 1993 йил маълумотларига кўра республикамизда 5,5 миллион қоракўл қўйлар мавжуд бўлиб, уларнинг 4 миллиони қоракўлчилик хўжаликларида боқилмоқда. Буларнинг 65 фоизи она қўйлар. (Аслида бу кўрсаткич 80 фоиз бўлиши лозим эди). Қоракўлчилик хўжаликларида тайёрланаётган маҳсулот таннархи ўзини қопламаётир. Бунга асосан ёнилғи-энергетика харажатларининг ошиши сабаб бўлмоқда. Масалан, қоракўлчилик хўжаликларидаги чўпон овулларининг баъзилари марказдан 200, ҳатто 300 чақирим олисда жойлашган. Дейлик-ки, ўша овулларга 2 тонна ем олиб бориш керак бўлса, албатта битта юк машинаси ажратилади. Оқибатда икки тонна ем пулидан транспорт ҳаражати ошиб тушади. Бунинг устига ҳозир қоракўлчилик маҳсулотларининг нархи нисбатан арзон. Тўғри, қоракўл терига давлат буюртмаси, бинобарин қатъий харид нархлари ҳам бекор бўлди. Лекин бу соҳада яна бир қанча муаммолар борки, улар қоракўлчиликни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлиб турибди. Жумладан, Бухоро қоракўл заводининг яккаҳокимлиги хўжаликларнинг имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Яъни завод хўжаликлар олдига «берсанг шунчадан оламан» деган шартни қатъий қўймоқда. Аслида эса тескариси бўлиши керак. Бундан ташқари, бу соҳада кейинги йилларда селекция ишларига, қўзиларни сўйиш ва тери ошлаш жараёнига, мутахассислар малакасига эътибор жуда сусайгани кузатилмоқда.

**— Хўш, бу муаммоларнинг ечими борми? Нима қилса қоракўлчиликни янада ривожлантириш мумкин, деб ўйлайсиз?**

— Ушбу савол бугунги кунда шу соҳада хизмат қилаётган кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда 97 та махсус қоракўлчилик хўжаликлари бўлиб, улардан 28 таси наслчиликка ихтисослашган. Ҳали айтганимдай Бухорода қоракўлни қайта ишловчи завод бор. Тармоқнинг илмий маркази республика қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтидир. Тармоқ фаолиятини тартибга солишга «Қоракўл» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси жавобгар. Энди қандай йўл тутилса қоракўлчиликни даромадли соҳага айлантириш мумкин, деган саволга тўхталсак, ҳозир кўпчилик қоракўлчилик истиқболи тармоқда фермер хўжаликларини шакллантиришда, деб қарамоқда. Ҳақиқатдан ҳам, фермерчиликни ташкил этишнинг бир қанча самарали жиҳатлари бор. Биринчидан, фермерлик бошқа хўжаликларга нисбатан анча арзон ва камхарж бўлса, иккинчидан, соҳада меҳнат унумдорлиги ҳам бир мунча ошади ҳамда бошқарув аппаратининг ўз-ўзидан қисқартиришга, маҳсулот етиштирувчи чўпоннинг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келади. Чунки, ҳозиргача битта чўпон меҳнатининг орқасидан уч-тўрт раҳбар ходим ҳам кун кўряпти. Албатта, бу ишларни бирданига амалга ошириб бўлмайди. Қоракўлчиликда фермер хўжаликлари пухта ўйланган режа асосида ташкил этилиши зарур. Сабаби — қоракўлчиликка ихтисослашган туманларнинг иқлим шароитлари анча оғир. Бундан ташқари тармоқда фермерликни йўлга қўйишда ҳар доимгидай давлат кўмаги жуда муҳим ўрин тутади. Бу қўллаб-қувватлаш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин?

— фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш;

— уларни камида 3 йилгача солиқлардан озод қилиш;

— фермер хўжаликлари олаётган кредитларни давлат томонидан кафолатлаш;

— қоракўлчилик зоналарида экологик вазиятни яхшилаш, яйловларга сув чиқариб, уларни маданийлаштириш...



**— Сиз бевосита қоракўл тери бозорини ўрганиш мавзусида илмий изланишлар олиб бораётган экансиз, айтингчи, республикада бир йилда қанча қоракўл тери ишлаб чиқарилади, қайси мамлакатлар уни кўпроқ харид қилади ва умуман ўзбек қоракўлининг бозордаги бугунги нуфузи қандай?**

— Юқорида айтиб ўтганимиздек, қоракўл қўйлар дастлаб Ўзбекистонда боқилган. Шунинг учун бўлса керак Ватанимиз қоракўл тери ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради. Биргина 1993 йилнинг ўзида республикамизда 1 млн. 300 минг қоракўл тери ишлаб чиқарилди. Жаҳон бозорларидаги баҳосига келсак, бирмунча, барқарордир. Жумладан, жаҳон бозорида «Қоракўлча» энг юқори — 40-50, «Сур» 25-30, қора рангли қоракўл терилари 11-12 АҚШ долларида баҳоланади. Ўзбек қоракўли, асосан, Санкт-Петербургда бир йилда уч марта ўтказиладиган мўйна кимошди савдоси орқали сотилади. Асосий мижозлар Франция, Италия, Германия, Шимол мамлакатлари ва АҚШ...

**— Қоракўлимизнинг сифати жаҳон бозори талабларига жавоб бера олаяптими?**

— Жуда муҳим муаммо ҳақида гап очдингиз. Қоракўлчиликда СЖК дорисининг қўлланиши ноёб мўйналаримиз сифатига катта зарар етказди. 1984 йилдан бу дорининг қўлланиши таъқиқланган бўлса-да, унинг асорати ҳамон сезилмоқда. Чунки, минг йиллар давомида шаклланиб келган навларни қайта тиклаш бир-икки йиллик иш эмас. Қолаверса, хўжаликларда қўзини сўйишдан тортиб заводда уни ошлашгача бўлган технологик жараёнларга қатъий амал қилиш керак. Бундан ташқари жаҳон бозорига чиққанда унинг коньюктурасини ҳисобга олиш, қайси рангли териларга талаб юқорилигини олдиндан билиш жуда муҳим. Ўзбек қоракўлининг нафақат Санкт-Петербургдаги, балки Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт-на-Майндаги мўйна кимошди савдосида қатнашишига эришиш ҳам бугунги кун талабларидан биридир. Бу ишларни амалга ошириш учун эса бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш маркетингдан унумли фойдаланиш керак, яъни ўзбек қоракўлига талабни шакллантирмоқ жуда зарур.

Яна бир муҳим масала хусусида тўхталиш зарур кўринади. Тармоқда маҳсулот тайёрлашнинг янги, ишлаб чиқарувчи учун ҳам, қайта ишловчи учун ҳам мақбул андозаларини кўриб чиқиш вақти етди. Ҳозирги кунда барча иқтисодий ва хўжалик алоқалари икки ва кўп томонлама шартномалар биржа, кимошди савдоси ва ташқи бозордаги операциялар асосига қурилмоқда. Бу эса республикамизнинг йирик қоракўлчилик вилояти марказида, масалан, Навоийда «Тайёрлов-сотув корхонаси» ташкил қилинишини кун тартибига қўймоқда. Корхонанинг асосий вазифаси хўжаликлардан ва аҳолидан қоракўл териларини шартнома ва кимошди савдоси орқали қабул қилиш ва уни мамлакат ичкарисида ҳамда четга сотишни уюштиришдир. Агар бу иш амалга ошса, маҳсулотнинг экспортдаги улушига қараб, валютада олинган даромаднинг 80-90 фоизи бирламчи ишлаб чиқарувчи, яъни чорвадор хўжалик ҳисобига тушади. Демак, «Тайёрлов-сотув корхонаси»нинг ташкил этилиши нафақат чўпонни ҳимоя қилади, балки, тадбиркорликни рағбатлантиради, соҳадаги яккаҳокимликни тугатишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, қоракўлчиликнинг имкониятлари катта. Лекин бугун ушбу соҳа барчамизнинг кўмагимизга муҳтождир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ўрол ҒОЙИМОВ**
**суҳбатлашди.**

# ТИББИЙ САНОАТИМИЗДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Тузилганига ҳали унча кўп бўлмаган республика фармацевтика саноати давлат-акционерлик концернига қарашли «ЎзФАРМЭКСИМ» бирлашмаси бир қанча хайрли ишларни амалга оширишга улгурди. Хусусан, яқинда Англиянинг етакчи доришунослик компанияларидан бири бўлган «Интернэшнл консалтэкс ЛТД» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу ҳужжатга биноан мазкур хорижий фирма Тошкент ва Нукус шаҳарларида ярим йил ичида тиббиётда кенг қўлланиладиган юқори сифатли боғловчи мато (бинт)лар ишлаб чиқарадиган махсус корхоналар қуриб беришади. Ҳар бир линияси 6,5 миллион метр тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу замонавий қурилмалар компьютерларда бошқарилади. Қизиғи шундаки, ақлли машиналар исталган ҳажмдаги чиқитсиз тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни буйруқ асосида осонгина назорат қилади. Корхона ишга тушгач, мамлакатимизда тиббий боғловчи матога бўлган эҳтиёжнинг 30-40 фоизини ўзимизда қондиришнинг имкони туғилади.

Яна шуниси қувончлики, тиббиёт саноатидаги бу янгилик республикамизда дунё бўйича биринчилардан бўлиб ўзлаштирилмоқда. Шу чоққача бор-йўғи учта хорижий давлат тиббиётида мазкур технология мавжуд эканлигини таъкидлашнинг ўзи бу фикримизнинг далилидир.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲР-МУРУВВАТ ГУРУҲЛАРИ

Наманган тумани мактабларининг юқори синф ўқувчилари меҳр-мурувват гуруҳларига бирлашдилар.

Ўсмирлар ёлғиз қолган қариялар, ногиронлар, беморлар ҳамда боқувчисини йўқотган кишиларнинг уйларига бориб, уларга ёрдам кўрсатмоқда.

Бу борада 23-мактаб ўқувчилари айниқса ибрат кўрсатишмоқда. Кичик Тошбулоқ қишлоғида яшовчи ана шундай кишиларнинг ҳар бирига бештадан юқори синф ўқувчиси бириктириб қўйилган. Гуруҳда ҳаммаси бўлиб 45 та ўқувчи бор.

*• Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан*

# САМАРҚАНД ТЎЙГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Маълумки, келгуси йили мамлакатимизда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланади. Ҳозирги пайтда жойларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Самарқанд — буюк соҳибқирон ўз давлатининг пойтахти этиб танлаган маскан. Бу қадимий шаҳар ҳақли равишда Турон заминининг юраги ҳисобланади. Улуғ саркарданинг оламшумул шавкатига, юрт равнақи йўлида амалга оширган улкан ишларига гувоҳ.

Шу сабабли бу тўйнинг асосий тантаналари Самарқандда бўлиши табиий. Бунга ҳозирлик бугундан бошланмоқда. Вилоят ҳокимининг ушбу санага тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисида қабул қилган қарорида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган кенг миқёсдаги ишлар белгиланган. Унга кўра Гўри Амир, Оқсарой ва Руҳобод меъморчилик мажмуалари, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда, Ишратхона мақбараси, ўнлаб обидалар таъмирланади. Шаҳарда Темурийлар сулоласи галереяси, Амир Темур ҳиёбони барпо этилади. Шунингдек, қарорда буюк соҳибқирон ҳайкалини бунёд этиш ва ўрнатиш учун республика миқёсида кўрик-танлов ўтказиш ҳам белгиланган.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ



Шаҳарлар ҳуснини белгиловчи ўзига хос манзаралари, иморатлари, ҳиёбонлари бўлади. Шу маънода севимли ва гўзал Тошкент жамолини кўз-кўз этиб турувчи белгилардан бири булутларга бўй чўзиб турган телевизион минорадир. Айни пайтда ишга тушганлигининг ўн йиллигини нишонлаётган мазкур меъморлик иншооти ўзига хос тарихга ва тавсифга эга.

Ер юзида баланд миноралар сони 18 та бўлса, уларнинг орасида Тошкент телеминораси Торонто, Останкино (Москва), Эмпайр Стейт Билдинг (Нью-Йорк) ва Токиодаги худди шундай иншоотдан кейин бешинчи ўринни эгаллайди. Унинг. баландлиги 375 метр. Минорадан 1985 йил январь ойидан бошлаб доимий фойдаланилмоқда.

Бу пурвиқор миноранинг Тошкентга «ташрифи» ҳам қизиқ тарихга эга. Аслида у Ироқ пойтахти Боғдод учун мўлжаллаб лойиҳалаштирилган эди. Ўша пайтдаги давлат бошлиғи Карим Қосим худди шундай бино учун халқаро конкурс эълон қилади. Унда москвалик меъморлар ғолиб чиқадилар. Бироқ... Карим Қосимнинг умри қисқа экан. Ундан кейинги раҳбарлар эса бу ҳақда бош қотиришмади. Муаллифлардан бири — меъмор Н. Г. Терзиев-Царухов лойиҳани Тошкентга олиб келади. Бу ўринда ўша пайтдаги республика раҳбари Шароф Рашидовнинг нуфузини алоҳида таъкидлаш керак. Эҳтимол, ўз фарзанди қатори юзага келган асарнинг ёруғлик юзини кўришида муаллиф Шароф отанинг марҳаматидан умид қилган бўлса, ажабмас. Республикада хизмат кўрсатган алоқачи А. Кудиновнинг эслашича, шу соҳа бўйича масъул бўлган Д. И. Мангельдин билан «бозори касод бўлган» лойиҳани Ўзбекистон раҳбарига тақдим қилишади. Таклиф қабул қилинади. Бироқ асосий ишлар «юқори»да ҳал бўладиган шароитда уни Иттифоқ қурилишлари қаторига қўшиш учун бир беш йилликни ўтказиб юборишга тўғри келади. Ўз юрти учун ҳар қандай хизматга тайёр турган республика раҳбарияти фикрида собит қолади, ниҳоят қурилиш бошланади.

Албатта, юқори зилзилалар зонада ўша пайтдаги Останкино минорасидан сўнг иккинчи ўринда турувчи юксак иншоотни барпо этиш осон эмасди. Тинимсиз саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатдаги ўнлаб заводлар, лойиҳалаш бюролари, илмий текшириш институтлари Тошкент буюртмасини бажаришга сафарбар қилинди. Бир қанча юмушлар бевосита қурилиш жараёнида ҳал этилди. Бундай нодир иншоотни барпо этишда ўнлаб олимлар, муҳандислар, юзлаб қурувчилар истеъдоди ва куч-қувватини аямадилар. Минора беш минг майда бўлакларни туташтирилиш усуллари электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, нисбатан қисқа вақтда — саккиз йилда иншоот қад ростлади. Ҳатто уни яна ўн беш метр узайтириш ҳақидаги махсус топшириқ ҳам рекорд муддатда — 3 ойда бажарилди.

Тошкент телеминораси фақат ташқи томондан эмас, бутун борлиғи билан мукаммал ва тенгсиз муҳандислик, меъморлик иншоотидир. У кўплаб космик, радио, телеалоқа, маданий, ижтимоий вазифаларни бажармоқда.

Минора 50 та дастурда радио ва телевидение кўрсатувларини узата оладиган энг замонавий ускуналарга эга. Ҳозирча беш дастурда телерадио дастурларига хизмат қилинмоқда. Унда «Олтой» тизимидаги кўчма радиотелефон антеннаси ҳам ўрнатилган. Минора ҳудудида Япония ва Туркия мутахассислари ҳамкорликда барпо қилган халқаро космик алоқалар станцияси ҳам ўрин олган.

Тошкент телеминораси ўзининг меъморий жиҳатлари билан ҳам диққатни тортади. Унда миллий анъаналарга асосланган безаклар, мамлакатимиз заминидан қазиб олинган ашёлар кенг истеъфода қилинган. Швейцариянинг «Шиндлер» фирмасида тайёрланган тезкор лифтлар ташриф буюрувчиларни томошагоҳ ва ресторан жойлашган юз метрлик баландликка кўз очиб юмгунча чиқариб қўяди. Бу ерда фақат тансиқ таомлар истеъмол қилибгина қолмай, айланувчи залда бутун пойтахтни «сайр этиш» мумкин. 200 метрлик баландликда эса метериологик хизмат ва бошқа техник юмушларга мўлжалланган ускуналар ўрнатилган.

Ўтган ўн йилда бино янги қўшимча иморатлар билан бойиди, дунёдаги худди шундай иншоотлар тажрибаси асосида хизмат ва иш турларини кенгайтирди. Бу ютуқларга, албатта, кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган Умида Қодированинг ташаббускорлиги асқотди.

Мустақиллик шарофати билан Тошкент телеминорасининг юмушлари доираси янада кенгайди. У ўлкамизга ташриф буюраётган кўплаб чет эллик тадбиркорларга, халқимиз маданий-маърифий ютуқлари билан танишиш ниятида бўлган меҳмонларга юқори даражада хизмат қилаяпти.

**Халил СУЛТОН.**
**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ тасвири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН КЕЛГАН ЭДИЛАР...

***Югославияда чиқадиган «Борба» газетасининг хабарига кўра, бу ҳудудда сўнгги уч йил ичида БМТнинг тинчликни сақлаш мақсадида юборган 135 нафар ҳарбий аскари ҳалок бўлган.***

Айни пайтда собиқ Югославияда БМТнинг 44 минг ҳарбийлари сақланмоқда. Улардан 24 минг нафари Босния ва Герцеговинода, 13 минг аскар эса Хорватияда.

## САФАР ҚИЛИШ НИЯТИДА

***Филиппин Президенти Фидель Рамос шу йилнинг мартида Туркияга сафар қилиш ниятида. Бу ҳақда Туркия ҳукуматининг расмий вакили хабар қилди.***

Филиппин Президенти Туркияга сафаридан сўнг, Яқин Шарқ ва Европадаги баъзи мамлакатларга ҳам боришни режалаштирган. Филиппин раҳбарининг Туркияга сафаридан мақсад, Анқара билан Манила ўртасидаги савдо алоқаларини мустаҳкамлашдир.

## ХИТОЙЛИКЛАРГА ИШОНИБ ТОПШИРДИ

***Эрон пойтахти маъмурияти Теҳрондаги метро қурилиши учун танлов эълон қилганди.***

Бу борада Россия, Германия, Кореялик қурувчилар ўз лойиҳаларини таклиф этдилар. Аммо Теҳрон темир йўл корпорацияси бу ишни хитойликларга ишониб топширди. Теҳрон маъмурияти шу ой ичида хитойлик метро қурувчилар билан шартнома имзолаш ниятида. Метрони икки йил ичида қуриб битказиш кўзда тутилмоқда.

## ИСТАК ҚАТЪИЙ...

***Япония пойтахтида «шимолий ҳудуд»ни қайтариб олишга бағишланган митинг бўлиб ўтди.***

Унда сўзга чиққан Бош вазир Томиити Мураями Россия Федерацияси билан муносабатларнинг тўла яхшиланиши учун қисқа вақтда ҳудудий муаммоларни ҳал этиш ва тинчлик шартномасини имзолаш лозим, деб таъкидлади.

Япония ҳукуматининг Жанубий Курил оролларини қайтариб олиш истаги ҳамон қатъий, деб ёзади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

## ШОШИЛИШМАЯПТИ...

***Қувайт апелляция суди Жорж Бушга қарши уюштирилган суиқасд қатнашчилари устидан сўнгги ҳукм чиқаришни икки ҳафтага кечиктирди.***

Суиқасдчилар 1993 йилнинг апрелида амирликка ташриф буюрган АҚШнинг собиқ президенти ҳаётига қасд қилишга уринган эди.

## ТАДҚИҚОТЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИ-КИ...

***ХХР пойтахтидаги педиатрия илмий-текшириш институти беш ёшгача бўлган болалар орасида тадқиқот ўтказди.***

Болалар ўлими сабабини текширган мутахассисларнинг аниқлашича, чақалоқлар кўпроқ зотилжам касали ҳамда бахтсиз ҳодиса туфайли нобуд бўлар экан.

Маълум бўлишича, қишлоқ болаларининг 33,7 фоизи ҳеч қандай тиббий ёрдамдан фойдаланмас экан.

## САМОДАГИ УЧРАШУВ

***Сешанбага ўтар кечаси Американинг «Дискавери» фазо кемаси «Мир» орбитал станцияси билан яқинлашди.***

Яқинлашув жараёнида эса кема автоматик йўл билан бошқарилди. Сўнгра кемани экипаж командири Жеймс Уэзербининг ўзи бошқарди.

## КЎРГАЗМАГА 50 ХИЛГА ЯҚИН ҚУРОЛ

***Машҳур Ижевск механика заводи март ойида Германияда бўладиган ўт очувчи қуроллар халқаро кўргазмасида 50 хилга яқин қурол намойиш этмоқчи.***

Нюренбергда ўтадиган «Иве-95» номли бу кўргазмадан жаҳон қуролсоз усталарининг маҳорат билан ясаган ов милтиқлари, турли хилдаги тўппончалар ва бошқа қуроллар ўрин эгаллайди.

## ҲАМКОРЛИК ЯНА ТИКЛАНДИ

***Македония мудофаа вазири Б. Хансиски «Болгария ва Македония ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни яна тиклади», деди.***

Болгария матбуотининг хабар беришича, Македония мудофаа вазири Болгария элчиси билан икки мамлакат ўртасидаги бу ҳамкорликнинг нечоғлик аҳамиятли экани хусусида музокаралар юритган.

## ШЕРИКЛИК УЛУШИ ИККИ БАРОБАРГА ОШДИ

***Туркия Каспий денгизида нефт қазиб олаётган халқаро консорциумда шериклик улушини икки баробарга оширди.***

Шу хусусда ўтган йили Каспийбўйи нефт конларини тиклаш бўйича Озарбайжон билан битим имзоланган эди. Якшанба куни эса Туркиянинг энергетика ва табиий ресурслар вазири Вейсель Отасой Бокудан Анқарага қайтиб келди. Туркия телевидениеси мухбири билан суҳбатда у Президент Гайдар Алиев билан янги шартнома тузганини айтди.

